

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Ғиждувон туман Хокимлиги ҳузуридаги  
Ободонлаштириш бошқармаси  
Харид комиссиясининг раиси



У.Туев  
2022 йил

**ҒИЖДУВОН ТУМАН ХОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ ЛАБИРҮТ  
МФЙ ХУДУДИГА ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ ТОРТИШ ИШЛАРИ  
ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

**Ғиждувон туман - 2022 йил**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**  
**1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.Танлов предмети: Фиждувон туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармасига карашли Лабирўт МФЙ худудига тоза ичимлик суви тортиш ишлари лойиҳа смета хужжатларини тайёрлаш ишлари

1.2.Танловнинг юкори қиймати— 25 000 000 (Йигирма беш миллион) сўм. Ушбу кийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмida илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблаги ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Фиждувон туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Фиждувон туман Паҳтакор кўчаси 40 ўй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Фиждувон туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:  
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Объектнинг мураккаблик даражасига караб, "лицензия" ва "гувоҳнома"
- Коррупцияга карши талаблар 684-Конун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Ташкилотнинг орттехника рўйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганилиги
- Техника хафсизлиги коидаларига риоя килиш талаблари хамда йуринномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганилиги тўғрисидаги хужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Охирги 3 йилда мазкур объект тоифаси ва қувватига мос иш тажрибасининг мавжудлиги
- Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома
- Охирги 3 йиллик баланс
- Инсофизиз ижрочилар ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома
- Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлиқ фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш(ажралиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; молмулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида қуидагилар тақдим этилиши лозим:  
Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа бояглик кўрсаткичлар кўрсатилилан бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдикланган ҳолда ёки хар бир варогини муҳрлаб тасдиклаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3.Куидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:  
Техник ва нархлар бўйича куидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади);

- 4.4. Танлов иштирокчиси:
- факат битги таклиф бериши мумкин;
  - тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
  - таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

## **5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун таъгули ҳолда эълон килинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган қарор қабул килиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7.БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул килишга ҳакли. Товарни (иши, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичига давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичига маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиши ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичига танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.